# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2014 йил 7 октябрь, № 193 (6123) Сешанба


# ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.**



Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эга. Ривожланган саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётир.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 2013 — 2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январь — сентябрь ойларида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, бундай субъектлар экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоятда 80 минг гектардан ошиқ майдонда ғалла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил олинди. Бугунги кунда 93 минг 400 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги “Кўҳна водий баҳори” фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган шу кунларда сизлар билан учрашиш, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша ҳурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгалик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Президентимиз пахтачиликда муайян ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Ислом Каримов. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваламбор, нав танлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимига мос навларни экиш керак.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кун чирой очиб бораётгани, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик шарофати экани таъкидланди. Ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётганини алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз Олтинкўл тумани “Далварзин” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Бу йил вилоятнинг 31 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

“Далварзин” маҳалла фуқаролар йиғинидаги массивда ҳам деҳқон бозори, савдо мажмуаси, нон цехи, стадион, болалар ўйин майдончаси ва дам олиш жойлари қурилди.

Президентимиз янги лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 6 сотих қилиб белгиланганини, автомобиль учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус жой кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани, улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислом Каримов янги уй соҳибларидан бири — Отабек Қобулов хонадонида бўлиб, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик, — деди хонадон соҳибаси Нигорахон Қобулова. — Бу ерда оила учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Бу, айниқса, биз, аёлларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Бундай юксак ғамхўрлик, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдормиз.

Бу саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, фарзандларимизнинг келажаги учун. Бундай уйларда яшаган болалар ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрли бўлиб вояга етади. Чунки инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир қилади. Биз бир пайтлар орзу қилганимиздек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли эканини ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Истиқлол кўчаси ва бу ерда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида кўча сўлим сайилгоҳга айланган. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва ўриндиқлар бунёд этилиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратилган.

Президентимиз кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

**Анвар САМАДОВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# Сиёсий партиялар ҳужжатлар тақдим қилди

*Маълумки, 2014 йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар мазкур муҳим сиёсий тадбирда қатнашиш истагини билдирди. Амалдаги қонунчиликка биноан, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатлар тўпламини, хусусан, сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзоси бўлган имзо варақаларини тақдим қилиши зарур эди.*

## САЙЛОВ — 2014

Бугунги кунда сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш жараёни якунланди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида ариза, имзо варақалари ва бошқа зарурий ҳужжатларни тақдим қилди.

— Сиёсий партия, қонунчиликка мувофиқ, сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаган тақдирда, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ж. Содиқов. — Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган. Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши керак. Марказий сайлов комиссияси ушбу ҳужжатлар асосида беш кун муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

Шуни қайд этиш керакки, Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи ўз ишини давом эттирмоқда. Унинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор. Имзо варақаларини текшириш жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳам иштирок этмоқда.

Албатта, имзо тўплаш жараёни сиёсий партиялар учун ўзига хос синовдир. Зеро, бу жараёнда сиёсий партиялар электорат ишончи ва қўллаб-қувватлаши даражаси, сайловчилар етуклиги ҳамда давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалалари бўйича ўзларининг аниқ позицияси билан сайловчилар орасида қозонган обрў-эътибори ҳақида ахборотга эга бўлади.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# Туризм соҳаси равнақи

## тинч ва осуда ҳаёт бор жойда яққол намоён бўлади

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуида “Ипак йўлидаги туризм” XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси ҳамда “Буюк Ипак йўли” реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, туризм дунё иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. “ЮНВТО жаҳон сайёҳлик барометри”да келтирилган сўнгги маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро саёҳатлар 4,6 фоиз ўсган. Кейинги йилларда дунёнинг айрим минтақаларида юз бераётган турли геосиёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамасдан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилига ўртача 5 фоиз ошмоқда. Бу жаҳон ялпи маҳсулотида ушбу соҳанинг улуши 9 фоизни ташкил этаётганида ҳам ўз ифодасини топган. Қолаверса, дунё бўйича яратилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси мазкур тармоққа тўғри келаётир.

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли даврлар ва цивилизацияларга оид етти мингдан ортиқ ёдгорлик бор.

(Давоми 4-бетда).

# Меҳр-оқибат ва эзгулик айёми

*Халқимизга хос хислатлар ҳақида сўз кетганда, мурувват ва меҳр-оқибат, саховатпешалик алоҳида тилга олинади. Чиндан ҳам, бу каби инсоний фазилатлар юртдошларимизнинг кундалик ишлари, ниятлари, саъй-ҳаракатлари билан уйғунлашиб кетган.*

## БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Бинобарин, инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат замирида ҳам аҳоли турмушини янада фаровон этиш, нуронийларни эъзозлаш, вояга етаётган ёш авлодни қадрлашдек улуғвор мақсадлар мужассам. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳам эзгуликнинг ёрқин ифодаси сифатида барчамизга хушнудлик бахш этди. Зеро, азалий қадриятларимизга ҳамоҳанг ушбу айём кунларида халқимизга хос хислатлар ҳар доимгидан кўра кўпроқ кўзга ташланди. Беморлар ҳолидан хабар олинди, муҳтожларга кўмаклашилди, ёлғиз, боқувчисини йўқотганларга совға-саломлар улашилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси**нинг барча туман ва овулларида мазкур шодиёна хурсандчилик билан нишонланди. Ушбу муқаддас айём арафасида ўтказилган ҳашарда қабристон ва қадамжолар, масжидлар атрофлари обод қилинди. Қурбон ҳайити намозига ташриф буюрувчилар учун барча қулайлик яратилди. Тадбирларда юртимизда амалга оширилаётган хайрли ва савобли ишлар, кенг бунёдкорликлар, юртдошларимиз турмуши тобора фаровонлашиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

# Спортчиларимиз тантанали кутиб олинди

*Ҳар сафар спортчиларимиз йирик мусобақалардан ёрқин натижаларга эришиб қайтганда, уларни ёруғ юз ва катта хурсандчилик билан қарши олиш эзгу анъанага айланган.*

## ФАХР

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзолари “Тошкент” халқаро аэропортида тантана билан кутиб олинди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, уларнинг ота-оналари, журналистлар ҳозир бўлди.

Маълумки, ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, таэквондо (WTF), байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ҳамда эркин кураш, каратэ, енгил атлетика каби спорт турларида ғолибу совриндорлар қаторидан жой олиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Улар 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза, жами 44 та медални қўлга киритишди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қитъанинг 45 мамлакатидан 12 мингдан зиёд спортчи иштирок этган мазкур баркамоллик форумида зафар қучиб, совриндорлар қаторига кириш ва билдирилган ишончни оқлашнинг ўзи юксак шараф, аслида. Албатта, мамлакатимизда спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, соҳанинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий пойдевори яратилгани бу каби юқори кўрсаткичларга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шу маънода, қишлоғу шаҳарларда кўркам, моддий-техника базаси мустаҳкам, тажрибали мураббийлар билан таъминланган спорт мажмуалари, спорт заллари, стадионлар, сузиш ҳавзалари қад ростламоқда. Улар ёш ўғил-қизларнинг севимли масканларига, кўплаб истеъдодлар кашф этиладиган даргоҳларга айланаяпти. Энг муҳими, шу асосда соғлом турмуш тарзи чуқур қарор топиб, мамлакатимиз мавқеини дунё ареналарида кўкларга кўтарадиган баркамол авлод вояга етмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу, аввало, бутун борлиғини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

# Спортчиларимиз тантанали кутиб олинди



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

— Юртимизда барча спорт турлари қатори бадиий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди XVII Осиё ўйинлари ғолибаси Жамила Раҳматова. — Президентимиз томонидан ёшларга яратиб берилаётган юксак шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Гарчи яккалик чиқишларда бир оз омадим келмай, тўртинчи ўринни олган бўлсамда, жамоавий баҳсларда дугоналаримиз билан бор имкониятимиз, иқтидоримизни ишга солдик. Эндиги мақсадим — жаҳон кубоги ва биринчиликлари, Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритиб, уларда муваффақиятли қатнашиш.

Маросимда ким билан суҳбатлашманг, хоҳ у спортчи, хоҳ ота-она, хоҳ мураббий, барчасининг юз-кўзида миннатдорлик, бугунги кундан розилик ҳисси балқиб турибди. Бинобарин, терма жамоамиз аъзолари келгусида яна кўплаб мусобақаларда жонажон Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтаришлари, шубҳасиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**М. ҚОСИМОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Байрам муносабати билан 268 нафар кишига, хусусан, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ва ёлғиз кексаларга 6 миллион сўмликка яқин, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйлари, меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчи-ногиронлар, якка-ёлғизлар учун хайрия тадбирлари уюштирдик. Уларга совға-саломлар улашдик. Бундай хайрли амаллар вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларини ҳам қамраб олди. Муҳими, савобга йўғрилган ишлар давом этмоқда.

**Сурхондарё вилояти**да муқаддас байрам — Қурбон ҳайитига пухта тарад-

— Бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда якка-ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларга хайр-саховат кўрсатилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Ш. Жониқулов. — Шу асосда 11553 кишига 816 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

# Меҳр-оқибат ва эзгулик айёми

ларига моддий ёрдамлар берилди. Энг муҳими, бу каби тадбирлар одамлар орасидаги самимий муносабатларни янада мустаҳкамлабгина қолмай, осойишта ҳаётимизни қадрлашга, азалий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундаши билан қадрлидир.

Халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган муборак Қурбон ҳайити **Андижон вилояти**да кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Шу кунларда, айниқса, меҳр-мурувват кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Жумладан, 4768 нафар муҳтож, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 6,4 миллион, ҳомийлар томонидан 113 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси И. Валиев. — Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва қабристонларни тозалаш ишларида 282 минг 750 нафар аҳоли қатнашди.

Миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган ушбу байрамнинг аҳамияти ва ўрни хусусида жойларда тарғибот тадбирлари ташкил қилинди.

**Бухоро вилояти**да ҳам Қурбон ҳайити кенг нишонланди. Тарихий шаҳарнинг ораста кўчаларида байрамона либосдаги юртдошларимизни кўриб, кўнгиллар шукроналик ҳиссига тўлди. Бу ерга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар халқимизнинг қувончига шерик бўлдилар.

— Байрам кунларида эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, уларнинг турмуш ташвишларини енгиллатиш завол топмас одатларимиздан саналади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъул ходими Фарҳод Болтаев. — Биз шу анъанага мувофиқ дуд кўрилди. Воҳа туманларидаги 42 та муқаддас қадамжо ҳашар йўли билан ободонлаштирилди. Муборак Қурбон ҳайити нишонланган куни тонгданоқ воҳаликлар туман ва шаҳарлардаги жоме масжидларига тўпланишди. Бир-бирларини муборак кун билан қутлашди.

— Аввало, мана шундай осойишта, инсон азиз саналган Ўзбекистондек юртда яшаётганимизнинг ўзи катта бахт, — дейди Денов туманининг Жаматак маҳалласида яшовчи 90 ёшли отахон Менгқобил Шодиев. — Аллоҳга шукрки, миллий-диний қадриятларимиз, байрамларимиз истиқлол туфайли тикланди. Кўнгиллардаги ниятлар пок бўлса, бошлаган ишларимиз ривож топиб кетаверади. Ўзбекистонимизнинг тараққиётига, ривожига кўз тегмасин. Биргина мисол. Биздек уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик қалбларимизни доимо ғурурлантиради. Бундай эзгуликлар бошида турганларга минг раҳмат. Юртимиз тинч, Президентимиз омон бўлсин.

Муборак Қурбон ҳайити куни вилоятнинг туман ва шаҳарларида, маҳаллаларда, гузарларда, хонадонларда марҳумлар охиратига ободлик, юртга тинч-тотувлик, беморларга шифо тилаб, дуога қўл очилди. Кам таъминланган оилалар, қаровсиз қолган фуқаролар ва ёлғиз кексаларга, Меҳрибонлик ҳамда Мурувват уйларига моддий ёрдам кўрсатилди.

**Самарқанд вилояти**да Қурбон ҳайити муносабати билан ташкил этилган тадбирларда истиқлол йилларида қайта тикланган, халқимизнинг миллий қадриятлари сирасига кирувчи ушбу байрам жамият ҳаётида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби азалий фазилатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, кам таъминланган, меҳрга муҳтож ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди. Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларида яшовчи 854 нафар кишига 51 миллион сўмлик совғалар улашилди.

— Қаҳатчиликни бошдан кечирганмиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 88 ёшли отахон Аҳад Эсиров. — Бугунги кунларга етказганига шукр. Қурбон ҳайити — эзгулик байрами. Шундай файзиёб кунларда биз каби кексаларга мурувват кўрсатаётган инсонлардан мамнунмиз. Шундай кунларнинг қадрига етиш, фарзандларимизни Ватанимизга муносиб этиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

Қурбон ҳайити **Тошкент вилояти**да ҳам меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми сифатида шоду хуррамликда нишонланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлари байрам маросимларининг жойларда тартибли ўтишини таъминлади.

— Халқимиз бундай айёмларни ҳамиша ўзига хос тайёргарлик билан қарши олади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими етакчи мутахассиси Абдуваҳоб Қулманов. — 950 дан ортиқ маҳаллаларда ҳашарлар ўтказилди. Аҳоли гавжум жойлар, гузар ва хиёбонлар, шунингдек, табаррук қадамжолар ҳамда тарихий обидалар ҳудуди ободонлаштирилди.

Анъанага мувофиқ, байрам муносабати билан кам таъминланган оилалар, шу жумладан, 2000 дан ортиқ ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди, Меҳрибонлик ва Саховат уйларида хайрия тадбирлари ўтказилди.

* * *

Қурбон ҳайити бошқа вилоятларда ҳам ана шундай эзгуликларга ҳамоҳанг тарзда нишонланди.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

# Фарзандлари соғлом юрт

*Андижон шаҳрида "Фарзандлари соғлом, билимли юртнинг келажаги буюкдир!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирган мазкур акцияда вилоятдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг 4 мингдан зиёд фаол ёшлари қатнашди.*

ФЕСТИВАЛЬ

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган ушбу фестивалда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ғамхўрлиги туфайли ёшларни жисмонан ва маънан етук авлод этиб тарбиялаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бунга жавобан навқирон авлод вакиллари ҳам ўз интилишлари ва изланишлари билан турли соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётганлиги таъкидланди.

— Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилаётгани биз, ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Хосиятхон Зияева. — Бу галги фестиваль ҳам бизни янада жипслаштирди. Янги-янги дўстлар орттирдик. Уларнинг эришаётган ютуқлари билан танишдик.

Таниқли хонандалар ҳамда ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури кечага ўзгача шукуҳ бахш этди.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ФОТОБИЕННАЛЕ — 2014

# Санъат ва жозиба

*Кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида VII Тошкент халқаро фотобиенналеси бошланди.*

*Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда мусаввирлар, фотосуратчилар, санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар ҳозир бўлди.*

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Акмал Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда фото ҳамда тасвирий санъатнинг ўзига хос анъаналарини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Халқаро фотобиенналеда юртимиз ижодкорлари, ёш рассомлар, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Руминия, Канада, Бразилия, Беларусь, Япония, Латвия, Литва, Эрон, Қозоғистон сингари 32 мамлакатдан ташриф буюрган санъат усталари иштирок этаяпти.

VII Тошкент халқаро фотобиенналеси мувофиқлаштирувчиси, санъатшунос Шаҳноза Каримбобоеванинг таъкидлашича, ушбу йирик анжуман юртимизда фотография санъати ривожланиб бораётгани, мазкур йўналишда фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг ижоди давлатимизнинг доимий эътиборида эканини намойиш қилади. Шу билан бирга, бу тадбир осуда, тўкин ва фаровон ҳаётимизни, тараққиёт одимларини, умрбоқий қадриятларимизни бор жозибаси билан тараннум этишда беқиёс аҳамиятга эга.

Халқаро фотобиеннале — эзгу ғояси, юксак ташкилий ва бадиий савияси ҳамда кўлами билан жаҳон маданий ҳаётида ўз нуфузига эга бўлган ижодий лойиҳалардан. Ундан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида Ватанимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказишда эришилаётган муваффақиятлар, тинч ва осуда ҳаёт, ўзаро тотувлик, аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу интилишлар самараларини кенг намойиш қилишдан иборатдир.

— "Ўхшашлик. Тасаввур ва борлиқ" шиори остида ўтказилаётган бу галги Тошкент фотобиенналесида атроф-муҳитнинг жадал суръатда ўзгараётганини фотоижодкорлар ўз асарларида моҳирона ифодалаб берадилар, — дейди VII Тошкент халқаро фотобиенналеси ҳакамлар ҳайъати аъзоси, германиялик Томас Элсин. — Айтиш жоизки, мазкур халқаро тадбир ҳар бир фотосуратчи учун жонли мулоқотлар, қизиқарли ижодий экспериментлар майдони саналади.

— Ўзбекистон халқининг бой ўтмиши, маданияти, санъати ва эришаётган бугунги ютуқлари менда ҳамиша қизиқиш уйғотган, — дейди япониялик фотоижодкор Наоки Огина. — Юртингизга ҳар сафар келганимда, Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарларини айланаман. Ҳафталикда қатнашиб, буларнинг барчасини ўз кўзим билан кўришга муваффақ бўлаётганимдан бениҳоя хурсандман.

Соғлом бола йилида ўтказилаётган бу галги халқаро фотобиенналеда Элдор Содиқов, Фарҳод Каримов, Темур Қурбонбоев, Нигина Мавлонбердиева, Павел Ким, Валентин Ильин каби фотоижодкорларнинг ишлари ҳам намойиш қилинмоқда.

Халқаро фотобиеннале 12 октябргача давом этади. Мазкур тадбирлар пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар зали, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Халқаро маданият карвонсаройи, Тошкент Фотосуратлар уйи, шунингдек, Бухоро шаҳридаги йирик кўргазма залларида бўлиб ўтади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий, қулай ва тезкор сервис хизматлари

*Пойтахтимизда Маиший техника воситаларига сервис хизматлари маркази ҳамда доимий фаолият юритувчи кўргазма-савдоси очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур замонавий инфратузилма объектлари давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги 2014 — 2018 йилларда республикамизда электр техника саноати бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш ва соҳани янада ривожлантиришга оид қарорига мувофиқ яратилди.*

ЯНГИЛИК

Тадбирда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик янгилаш, рақобатдош маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида жорий йилнинг биринчи чорагида 352 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича 439,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Импорт ўрнини қоплаш самарадорлиги 197,9 миллион долларга етди. Электр духовка, газ ва электр плиталар, кондиционерлар, электр двигателлар каби 150 дан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳсулотлар ҳажми ва тури кенгайгани сари, хизматлар соҳаси ҳам изчил тараққий топиб бораяпти. Масалан, ўтаётган йилнинг биринчи ярим йиллигида пуллик хизматлар ҳажми 9,7 фоиз ўсди.

Замонавий мажмуа нафақат кўркам бинолари, балки ям-яшил ландшафти, равон транспорт коммуникациялари билан ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бир пайтлари кўримсиз аҳволда бўлган бу жойлар эндиликда ўзига хос инновацион дурдонага айланди.

Лойиҳа "Artel Engineering" компанияси иштирокида рўёбга чиқарилиб, бунинг учун 6,5 млрд. сўмлик инвестиция йўналтирилди. Пировардида салкам 180 та иш ўрни яратилди.



Сервис маркази муқобилларидан тубдан фарқ қилади. У Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Кореядан келтирилган энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар билан таъминланган. Бу эса маиший техника воситаларини мукаммал диагностика қилиш ҳамда аниқланган камчиликларни тезкор ҳамда сифатли бартараф этиш имконини беради. Ўз навбатида, унинг республика бўйича 22 та филиали мавжуд. Махсус автопаркда эса барча зарур жиҳозлар ўрнатилган автомобиллар мижозлар хизматига шай турибди. Ишчи-ходимларнинг тажрибаси ҳам салмоқли. Улар жабҳадаги маҳаллий ва хорижлик мутахассислар иштирокида ўқитилгани бунда муҳим омил бўлди, албатта.

— Сервис марказининг салоҳияти катта, — дейди унинг директори Фарҳод Адҳамов. — Бу маиший техника воситаларини таъмирлаш ишларини 24 соат давомида узлуксиз олиб боришда қўл келади. Шунингдек, бу каби хизматларни хонадонларга бориб кўрсатиш имконига эгамиз.

Шулар қаторида бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан буюртмаларни қабул қилиш бўйича алоқа маркази ташкил этилган. Бу ҳамюртларимиздан келиб тушадиган мурожаатларни ўз вақтида қабул қилиб, таҳлил этиш, уларга маслаҳат бериш, ходимимизни ана шу манзилга жўнатишда айни муддаодир. Сервис хизматларига оид маълумотларни сақлаш ва муфассал ўрганиш учун махсус электрон база шакллантирилган бўлиб, шу асосда маҳсулотларни янада такомиллаштириш, янгиларини яратиш бўйича хулосалар олинади. Ходимларнинг мижозлар билан ишлашини баҳолаш тизими ҳам жорий қилинган.

Замонавий шароитлар билан танишиш чоғида у ердаги жамоанинг асосий қисми ёшлар — коллеж ва олий ўқув муассасалари битирувчиларидан иборат эканлигига гувоҳ бўлдик.

— Энг охирги талабларга жавоб берадиган марказда ишлаётганимдан жуда хурсандман, — дейди, улардан бири, Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежини тамомлаган Холмурод Субҳонов. — Тенгдошларим орасида энди қаерда ўқийман, кейин қаерда ишлайман, деган савол билан яшайдиганлари деярли йўқ. Чунки ёш авлод учун юртимизда нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Ўзимдан мисол. Болалигимданоқ турли электр техника қурилмалари, уларнинг микросхемаларини ўрганиш, тузатишга қизиқардим. Орзуим этагидан тутиб, асло кам бўлмадим. Республикамиздаги кўзга кўринган билим даргоҳларидан бирида тажрибали устоз-мураббийлардан таълим-тарбия олдим, амалий кўникмаларга эга бўлдим. Шуларнинг шарофати билан бугун энг илғор сервис марказига ишга қабул қилиндим. Жамиятда ўзимнинг муносиб ўрнимни топганимдан оила аъзоларим жуда мамнун.




Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

Холмурод сингари ғайрат-шижоатли ёшларни кўргазма-савдода ҳам учратдик. Компьютер техникалари, офис фурнитураси ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бу жой диёримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этиладиган бежирим зал ҳамда музокаралар олиб бориш хонасидан иборат. Бу мижозлар ва тадбиркорларга маҳсулотларни ўрганиш, уларнинг имкониятларини яқиндан билиш, шартномалар имзолашда кўплаб қулайликлар яратади.

Умуман олганда, мазкур янги мажмуалар, энг аввало, халққа сифатли сервис хизматлари кўрсатиш, аҳолини "Made in Uzbekistan" бренди остидаги янги маҳсулотлар билан таништиришда катта ўрин тутади.

**С. МАХСУМОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 7 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2062,21 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3789,34 |
| 1 Дания кронаси | 398,78 |
| 1 БАА дирҳами | 645,68 |
| 1 АҚШ доллари | 2371,45 |
| 1 Миср фунти | 331,67 |
| 1 Исландия кронаси | 19,51 |
| 1 Канада доллари | 2108,33 |
| 1 Хитой юани | 386,32 |
| 1 Россия рубли | 59,74 |
| 1 Украина гривнаси | 183,26 |
| 1 Малайзия ринггити | 728,33 |
| 1 Польша злотийси | 708,30 |
| 1 СДР | 3517,31 |
| 1 Туркия лираси | 1036,56 |
| 1 Швейцария франки | 2452,12 |
| 1 евро | 3041,14 |
| 10 Жанубий Корея вони | 22,20 |
| 10 Япония иенаси | 216,37 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

AGROBANK

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоғи, хусусан, қишлоқ хўжалиги йил сайин ривожланиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ошиб бормоқда. Натижада бозорларимиз турли дала ва боғ неъматлари билан тўлдирилиб, улар аҳолига арзон нархларда тортиқ қилинаяпти. Деҳқон ва фермерлар фаолияти тижорат банклари томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани эса бу борадаги муваффақиятларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётир.*

# Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим мезони

Сифатли ва тезкор банк хизматлари билан қишлоқ мулкдорларининг яқин ҳамкори ва мададкорига айланган "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари фаолияти бунга ёрқин мисолдир. Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига сервис хизматлари кўрсатишни яхшилаш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва бошқа соҳаларни тараққий эттириш мақсадида ушбу жамоа томонидан 190 млрд. сўмликдан ортиқ кредит йўналтирилди. Ана шу маблағ ҳисобидан эса замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилиб, 1270 та иш ўрни яратилди.



Таъкидлаш керакки, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш масаласи ҳам молия муассасасининг доимий эътиборида турибди. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Айниқса, қишлоқ ёшларининг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш учун жойларда ўқув-семинарлари мунтазам ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

— Бугунги кунда биз, ёшларга яратилаётган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган тенгдошларим тадбиркорлик соҳасида кўплаб ютуқларни қўлга киритаяпти. Мен ҳам уларга ҳавас қилиб, ўз бизнес фаолиятимни бошладим, — дейди якка тартибдаги тадбиркор Носир Зафаров. — Албатта, тадбиркорлик ўз-ўзидан бўлавермайди. Бунинг учун пухта бизнес лойиҳа, етарли билим ва кўникма, шунингдек, маълум миқдорда маблағ бўлиши зарур. Коллежда ўқиб юрган кезларим иқтисодий билимимни ошириш баробарида, ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланар эдим. Турли мебель маҳсулотлари моделларини яратиб, уларни амалда ясашга ҳаракат қилардим. Бу қизиқишим тадбиркор бўлишга ундади ва "Агробанк"нинг Термиз филиали томонидан ажратилган 15 млн. сўм миқдоридаги кредит эвазига кичик корхона ташкил қилдим. Ҳозирги кунда бу ерда замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бераяпмиз.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ҳам йил сайин ортмоқда. Бундан унумли фойдаланаётган кўплаб опа-сингилларимиз кичик бизнес ва касаначилик жабҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Олтинсой туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Зарифа Жўраева — шулардан бири. У "Агробанк"нинг Олтинсой филиали томонидан берилган 45 млн. сўмлик кредит ҳисобидан тикувчиликни йўлга қўйди. Натижада 4 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланиб, уларнинг турмуш шароити янада яхшиланмоқда.

Қисқача айтганда, "Агробанк" АТБ Сурхондарё вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари жамоаси тадбиркор ҳамда ишбилармонлар, деҳқон ва фермерларга кенг турдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш орқали юртимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини тараққий эттириш йўлида камарбаста бўлмоқда.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**


## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 4 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 7 апрелдаги 1-601/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТошГРЭС мавзеси, 21-уй, 36-хонадонда жойлашган, умумий майдони 49,63 кв.м., тураржой майдони 28,16 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 72 411 000 сўм.***

**2.** Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 2014 йил 12 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 54-уй манзилидаги, умумий ер майдони 758 кв.м., бинонинг умумий майдони 1371 кв.м. бўлган маросимлар уйи.

***Бошланғич баҳоси — 1 840 321 918 сўм.***

**2014 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчасидаги автомажмуа ҳудудидаги 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчасидаги автомажмуа ҳудудидаги 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 2 196 831 600 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 2 246 370 300 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

**Билдириш**

**1.** «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 177-сонида чоп этилган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Хўжанд кўчаси, 12-уйда жойлашган 48-хонадоннинг аукцион савдоси Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 30 сентябрдаги хатига асосан тўхтатилди.

**2.** «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 177-сонида чоп этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси 54-уйда жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси бошқа кунга ўтказилганлиги сабабли 2014 йил 14 октябрга белгиланган аукцион савдоси бекор қилинди.

**«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.**

**Хизматлар лицензияланган.**

1589А/90





«OHAUS» тарозилари
Ишончли
Аниқ

Кенг танлов
www.fortek.uz

Маҳсулот сертификатланган.

FORTEK
«OHAUS» компаниясининг расмий дистрибьютори

Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50.
Факс: (+998 71) 267-71-90.
e-mail: office@fortek.uz
web: www.fortek.uz

1486R/751



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази

## САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**катта илмий ходим-изланувчи лавозимига 2015 йил учун қуйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади:**

**06.01.06.** — Сабзавотчилик

**Керакли ҳужжатлар:** директор номига ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки тенглаштирилган диплом ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та), илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида фан доктори илмий даражаси олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил этиш мумкин бўлган тезислар (камида 2 та) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси, фан номзоди бўлганлар учун номзодлик диссертацияси автореферати, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати, паспорт ва нусхаси, тураржойдан маълумотнома, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Шунингдек, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти мустақил изланувчилик тартибида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш учун 2015 йилга қуйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади:**

**06.01.06** — Сабзавотчилик

**Керакли ҳужжатлар:** директор номига ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати ва уларнинг нусхаси, паспорт нусхаси, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: 111106, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» а/б.**
**Телефон: (8-371) 226-85-03. Факс: (8-371) 226-85-03.**
**E-mail: sabpkiti@qsxv.uz**

1539А/778



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 21, 23, 28 ва 30 октябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф қилади.**

**Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Kinder fruits» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва техник этил спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «Namangan qog'ozi» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «Nukus agro» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули | Томат пастаси ишлаб чиқариш | 1 785 453 700,0 | 853 018,82 |
| 5. | «Asaka mak» МЧЖ | Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т. Алиева кўчаси, 5-уй | Макарон ишлаб чиқариш | 3 546 012 000,0 | 1 610 213,42 |
| 6. | «Vodiy muzqaymog'i» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 7. | «Kosonsoy to'qimachi» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истамбул кўчаси | Трикотаж ипи, жунли ва яримжунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 8. | «Royal silk» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Табиий ипак ишлаб чиқариш | 5 051 423 000,0 | 2 232 248,90 |
| 9. | «Nam tex» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-«Б» уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 10. | «Namangan to'qimachi» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-микрорайон, Тўқимачилар кўчаси | Калава ип ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 11. | «Asia sokato» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув, мевали жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш | 1 463 700 000,0 | 717 640,71 |

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.**

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:**

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода қатнашадиган ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил иштирок этган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улушлар бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо ўтказилишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:**
**Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.**
**Тел./факс: (8-371) 234-43-31.**
**Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49.**
**Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Гувоҳнома № 005357.

1595А/40


Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Sport" телерадиоканали" жамоаси "Хабарлар" информацион дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири Сапармат Сапаевга волидаи муҳтарамаси

**ЗУҲРАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

# Туризм соҳаси равнақи

## тинч ва осуда ҳаёт бор жойда яққол намоён бўлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бўлиб, улар доимо хорижликлар қизиқишини орттириб келган. Ана шуларни инобатга олиб, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантиришга, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона индустрияси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, транспорт-коммуникация тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператори фаолият юритаяпти. Мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизматлар кўрсатилмоқда. Юртимиздаги 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпингларда халқаро стандартлар даражасида барча шарт-шароит яратилган.

Ўтган йили дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2 миллиондан ортиқ сайёҳ мамлакатимизга саёҳат қилгани миллий туризм индустрияси имкониятлари тобора кенгайиб бораётганининг яна бир яққол ифодасидир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани равнақ топтиришда, унинг халқаро сайёҳлик бозорларида фаол иштирокини таъминлашда, умуман, соҳанинг жадал ривожида янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг аъзосидир. Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлидаги минтақавий маркази 2004 йилдан фаолият юритиб келмоқда. 1 — 3 октябрь кунлари эса Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди. Мазкур халқаро форумнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлагани мамлакатимизнинг ушбу нуфузли ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари нақадар мустаҳкам асосга эга эканлигидан далолат беради.



Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ипак йўлидаги туризм” Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси қисқа вақтда халқаро майдонда танилиб, туризм маҳсулотларини намойиш этиш, ишбилармонлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, сайёҳликдаги долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилиш, янги йўналишлар очиш борасида қулай имкониятларни таклиф этиб келмоқда.

Бу галги ярмаркада Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Италия, Сингапур, Венгрия, Чехия, Латвия, Индонезия каби қирқдан зиёд давлатдан фирма ва компаниялар қатнашаяпти.

“Туризм ва санъатнинг ипак боғлами” шиори остида ўтказилаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ҳамда ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби муҳим мавзулар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилади.

Шу ўринда, ярмарканинг “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони” хусусида тўхталиб ўтсак. Унда юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган кўргазма ва стендлар орқали ҳар бир вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари, меҳмондўстлик таомилидан тортиб, ноёб тарихий-меъморий обидалари, осориатиқалари, табиат манзаралари, урф-одатлари қатнашчиларга таништирилмоқда.

“Миллий таомлар фестивали”, “Шарқ бозори” ҳамда “Ҳунармандлар шаҳри” бўлимларида ташриф буюрувчилар учун ўзбек миллий таомлари, пазандалик санъати ҳақида янада кенгроқ маълумотга эга бўлиш, миллий ҳунармандлик буюмларини нафақат томоша қилиш, балки сотиб олиш имконияти ҳам яратилган.

Шунингдек, “Ипак йўлидаги туризм” йигирманчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида хорижий сайёҳлик компания ҳамда фирмалари, соҳада фаолият олиб бораётган юртимизнинг етакчи туроператорлари, меҳмонхоналар вакиллари ўз хизмат турлари ҳақида маълумотларни тақдим қилишаётир. Бундан ташқари, “Туризм соҳасида ахборот технологиялари”, “Меҳмонхона ва жойлашиш объектлари”, “Транспорт хизматлари”, “Суғурта хизматлари”, “Гастрономик туризм” каби бўлимлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон санаторий ва шифохоналари эса алоҳида стендда намойиш этилаяпти.

— Беш йилдан буён мазкур кўргазмада қатнашиб келамиз, — дейди Малайзия туризм вазирлигининг халқаро тараққиёт департаменти директори Датин Нормасила Муса. — Мамлакатингиз кўҳна маданият ва цивилизация чорраҳасида жойлашган. Ўзбек халқи самимий ҳамда меҳмондўстдир. Давлатингиз ана шу бой маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини келажак авлодга бекаму кўст етказиб беришга алоҳида эътибор қаратаётгани, бу йўлда муҳим чора-тадбирларни амалга ошираётгани диққатга сазовор. Юртингиздаги тинчлик ва осойишталик, халқингизнинг бағрикенглиги, хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб бораётгани туризм ривожига катта туртки бераяпти.

— Президентимизнинг “Қарши шаҳрини қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013 — 2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорлари вилоятимизда туризмни ривожлантириш учун кенг йўл очди, — дейди “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Қашқадарё вилояти бўйича вакили Ўктам Хўжаёров. — Мазкур дастурлар асосида воҳанинг ўзига хос тарихий-маданий мероси имкониятларидан туризм ривожида самарали фойдаланиш, тарихий-меъморий ансамбллар ҳамда обидаларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш, мавжудларини янгилаш, транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Яккабоғ туманининг Хўжаилғор қишлоғида Амир Темурнинг болалик йилларини акс эттирувчи музей ташкил қилиш, “Самарқанд — Шаҳрисабз” автомагистрали бўйлаб замонавий кемпинглар, Миришкор туманидаги Ачинкўл сув ҳавзаси қирғоғида “Биологик буюртмахона” барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн каби қатор йўналишларда танловлар бўлиб ўтади.

Мазкур халқаро анжуман жаҳон сайёҳлик бизнеси вакилларига соҳа юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, янги лойиҳаларни жамоатчилик эътиборидан ўтказиш ва соҳага оид муҳим йўналишларни белгилаб олишда алоҳида ўрин тутади.

Халқаро кўргазма бугун ўз ишини давом эттиради.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Шаҳрисабзда ҳайвонот боғи ташкил қилинди

**ТАШАББУС**

Шаҳрисабзда тадбиркор Саъдулла Мамадалиев раҳбарлигидаги “Зооцирк” хусусий корхонаси томонидан ҳайвонот боғи ташкил қилинди. Мазкур боғда меҳмонлар йиртқич қушлар, бўри, маймун, айиқ, шер, йўлбарс, Хитой қўтоси, туяқуш каби 60 турдаги ноёб жониворларни томоша қилишлари мумкин. Шунингдек, ҳудуд табиати ва тарихий осориатиқалар ҳам бу ерга келувчиларда катта таассурот қолдириши, шубҳасиз.

— Боғимиз ҳудуди 2 гектарни ташкил қилади, — дейди С. Мамадалиев. — Бу ерда аттракционлар ва спорт майдончалари ҳам бунёд этаяпмиз. Қолаверса, турли томошалар кўрсатиш учун 3000 кишига мўлжалланган амфитеатр барпо қилишни режалаштирганмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**
**акциядорлик тижорат банки**

**2015 йил учун маҳаллий ва чет эл даврий нашрларига обуна ташкил этиш юзасидан**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Тел./факс: (8-371) 120-45-56, 120-45-60.**
**Ички телефонлар: 30-63, 32-24.**
**Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2014 йил 15 октябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.**

1600A/497

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**
**қуйидаги кафедралар мудири лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:**

- Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси
- Озиқ-овқат саноати машина жиҳозлари-механика асослари кафедраси
- Саноат экологияси кафедраси
- Физика ва электротехника кафедраси

**Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан қабул қилинади.**

**Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.**
**Телефон: (8-371) 244-79-31.**

1524A/763

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**2015 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига танлов эълон қилади:**

- **Тупроқшунослик** — 1 ўрин.
- **Агротупроқшунослик ва агрофизика** — 2 ўрин.
- **Агрокимё** — 1 ўрин.

**Қабул Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.**

**Танловда иштирок этувчи талабгорларнинг ҳужжатлари 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 246-09-50, 246-07-23.**
**Факс: (8-371) 246-76-00.**

1579A/802

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ**

**бош офиси Амалиёт бошқармаси биносида қўриқлаш ҳамда ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси (ҚЁОС) воситаларини ўрнатиш бўйича очиқ тендер эълон қилади.**

Тендерда Ўзбекистон Республикасидаги резидент ва норезидент ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини олиш учун тендер комиссияси ишчи органига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефон: (+998 71) 120-45-39.**
**Факс: (+998 71) 233-37-12.**
**E-mail: safety@uzpsb.uz**

**Тендер мавзуси** — «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ биносида қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси (ҚЁОС) воситаларини ўрнатиш.

Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ҳамда муддатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 31 октябрь куни соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).**

1599A/497

VEGA Certification

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини автоматлаштириш

**VEGA**
ERP система



Талабномадан сертификатни нашр этгунча автоматлаштириш

Ҳисоботлар
Вақтни тежаш
МТҲ билан тез ишлаш

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

**Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.**
**Факс: (+998 71) 267-71-90.**
**e-mail: info@vega.uz**
**web: www.vega.uz**

1487R/751

**«Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)**
**Тошкент вилояти дирекцияси**

**«Вилоят-суғурта» суғурта маркази номига берилган, ТММ-2013 серияли, 061751 — 061850-рақамли, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг мол-мулки, товар моддий бойликларини суғурта қилиш бўйича жами 100 дона «Обод турмуш» суғурта полисини ҳамда транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси бўйича UA серияли 3838951-рақамли 1 дона суғурта полисини йўқолганлиги сабабли бекор қилади.**

1562A/791

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 31 июлдаги 2-607-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 38-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 1085,2 кв.м., фойдаланиш майдони 1004,94 кв.м.дан иборат бўлган «Гулистон» ресторани қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 7 ноябрь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Гулистон тумани судининг 2014 йил 10 февралдаги 1-03-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган, умумий майдони 675,0 кв.м., қурилган жой участкаси 635,85 кв.м. бўлган «Ичан қалъа» ресторани биноси бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 671 866 873 сўм 92 тийин.***

Аукцион савдоси 2014 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 17 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1596A/1453

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, С. Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 186 110 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 22 октябрь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 23 майдаги 18-0404/3694-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ёшлик» жамоа корхонасига қарашли, Китоб шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 14-уйда жойлашган, 1991 йилда қурилган, қурилиш майдони 2112,96 кв.м., фойдаланиш майдони 2177,42 кв.м.дан иборат бўлган маъмурий бино ҳамда ишлаб чиқариш цехи биноси (А ва Д литерлар) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 045 553 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 7 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1601/1453

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.**
**Навбатчи — С. Махсумов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5